


«Termez National Carpets» - йилига 4,5 миллион квадрат метр гилам ишлаб чиқариш қувватига эга корхона



Термиз тумани “Ат-Термизий” маҳалласи ҳудудида 4 гектар майдонда "**Termez National Carpets**" МЧЖ томонидан ташкил этилган гилам маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхонаси фаолият юритмоқда.

Лойиҳанинг умумий қиймати 236,0 миллиард сўмни ташкил этади. Корхонага замонавий ускуна ва жиҳозлар **Германия, Белгия** ва **Туркия** давлатларидан келтирилган. Ишлаб чиқариш қуввати йилига 4,5 млн. кв.метр гилам маҳсулотларини ташкил этади.

Ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг 55 фоизи ички бозорга, 45 фоизи қўшни давлатлар — **Афғонистон, Тожикистон** ва **Қирғизистон**га экспорт қилиш мақсад қилинган бўлиб, экспортда Сурхондарё вилоятнинг географик жойлашуви масофа ва маҳсулот логистикасига ҳам қулайлик туғдиради.

Корхонада **250 та** иш ўрни яратилган бўлиб, иш ўринларининг **50 таси** ёш кадрлар ҳисобига банд қилинган.